



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МИЛЛИЙ “КАРЬЕРА МОДЕЛИ” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ КАДРЛАР САЛОХИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ

Максумов Надиржон Эргашевич

Давлат хизматини ривожлантириши

агентлиги директори ўринбосари

E-mail: n.maksutov@argos.uz

Аннотация. Мазкур мақолада тармоқ ва соҳалар кесимида етук малакали ўз касбининг устаси бўлган кадраларни етишитириб чиқазиши билан бирга Миллий “Карьера модели” платформаси ёрдамида ўз устида доимий ишлайдиган садоқатли кадрларни саралав олиш ҳамда Янги Ўзбекистон шаройитида юқори лавозимларга лойиҳҳо ходимларни танлаб олинишида инсон омилини камайтиришнинг механизимлари келтирилган.

Калит сўзлар. Тизим, кузатиш, ўрганиш, баҳолаш, қонун, қарор, танлов, Давлат фуқаролик хизмати, таҳлил, ҳокимият, З.М. Бобур.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг ечими давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олиб борилаётган кўп қиррали ислоҳотларнинг натижасида амалга оширилмоқда. Аҳолининг фаровон ҳаёти, белгиланган режа қўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши, шунингдек, ислоҳотларни бугун кўз ўнгимизда рўёбга чиқаётганлиги қувонарли ҳолат албатта.

Юқоридаги мақсадларга сифат нуқтаи назаридан эришишда, авваламбор аҳоли билан бевосита мулоқотга кириб улар билан ишловчи давлат фуқаролик хизматчиларининг малака ва салоҳияти қай даражада эканлиги катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг айримлари давлат хизматини ривожлантиришга қаратилаётгани ушбу пировард мақсадга етакловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллаевнинг 2014 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 19-сонида чоп этилган “Бобурнинг давлатчилик сиёсати” номли мақоласида шундай жумлалар мавжуд: “Захириддин Мухаммад Бобур давлат бошқарувида шахс масаласига жиддий эътибор қаратади, кўпинча номи зикр этилаётган арбоб фаолиятини ўзи бошқараётган салтанат меъёрлари билан қиёслайди. З.М.Бобур янгича давлат тузилишга киришар экан, салтанат бошлиғи сифатида қўл остидаги кишилар билан муомалада, юрт осойишталигини таъминлашда, хизматчиларнинг аҳоли





билин юксак даражада инсоний муносабатда бўлишни, ахлоқий покликни умр шиорига айлантиришга эътиборини қаратади”¹.

Буюк бобокалонимиз, шоир, довюрак саркарда ҳамда етук давлат арбоби бўлган Захириддин Мухаммад Бобур XVI асрда давлат бошқаруви тизимиға қаратган улкан эътиборидан хулоса қилинадики, давлат хизматчисининг ўрни, уни билим ва малака даражаси аҳоли билан ишлашда катта аҳамият ўрин тутади.

Хитойнинг тарихий империясида милоддан аввалги VI асрда яшаб, давлат бошқаруви тизимида фаолият юритган давлат арбоби, файласуф Конфуций: “Қачонки давлат хизматчилари салоҳиятли бўлса, шундагина давлатнинг ўзи ҳар жабҳада, ҳоҳ у ички сиёсат бўлсин, ҳоҳ ташқи, ривожланиб бораверади”² – дея мулоҳаза қилган.

Зеро давлат хизмати ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолият сифатини ошириш, уни янги босқичга олиб чиқиш ҳақида сўз юритар эканмиз, сўнгти 5-6 йил ичида ушбу соҳада амалга оширилаётган, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган кадрлар сиёсатига оид ислоҳотлар жадал тарзда олиб борилаётганлигини инкор этиб бўлмайди. 2020 йилнинг 30 сентябрь санасида Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда кадрлар тайёрлаш масаласи долзарблиги ҳақида тўхталиб: «Биз маърифат борасида «илиги тўқ» халқмиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ён йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак»³ дея жон куйдириб гапирган эди давлатимиз раҳбари. Бугун айнан юртбошимиз томонидан кадрлар сиёсатини ривожлантиришга карата ташланаётган ташаббускор қадамларга бевосита гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хусусан, намоён этилган катта сиёсий ироданинг маҳсули бўлмиш “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини мисол қила оламиз. Ушбу норматив-ҳукуқий хужжат 2022 йил 8 август куни қабул қилинган бўлиб, қонун давлат фуқаролик хизмати ва кадрлар масаласида туб бурилишга олиб келадиган тамойиллардан бирига айланди. Давлат хизматида асосий тушунчалар, принциплар, хизматчининг ҳукуқий мақоми ва х.к ларни белгилаб берувчи ушбу қонуннинг 21-моддасида: “Давлат фуқаролик хизмати тизими давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган тарзда танлаб олиш, ҳисобга олиш, жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш,

¹ Ф.ф.д, профессор Х.Қудратуллаев – “Бобурнинг давлатчилик сиёсати” мақоласи, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 19-сони, 2014 йил. - <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/hasan-qudratullaev-boburning-davlatchilik-siyosati/>

² Интернет-сайт: <https://cyberleninka.ru/article/n/konfutsiy-o-subektivnyh-usloviyah-effektivnogo-gosudarstvennogo-upravleniya>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзлаган нутқидан, 30.09.2020 й. - <https://kun.uz/49152969>.



касбий компетенциясини ошириш ва хизматда лавозим бўйича кўтариш механизмларининг ягона ташкилий-хукуқий мажмуудир”⁴ каби келтирилган жумлалардан аён бўладики, эндиликда кадрлар танлаш ва саралаб олишда бутунлай янгича тизим яратилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, давлат фуқаролик хизмати соҳасида миллий кадрлар захирасига асос солиб, уни шакллантиришда Миллий “Карьера модели” электрон платформасини амалиётга жорий этиш муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Платформа замонавий усуллар ва технологияларни жорий этишга мўлжалланган инновацион восита бўлиб, кадрларни танлаш, мослаштириш ва ривожлантириш самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг сифати ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида давлат фуқаролик хизмати соҳасига жорий этишни назарда тутади. Қолаверса, бу жараён инсон омилиниң иштирокини иложи борича камайтиришга қаратилган.

Платформанинг асосий мақсадларидан бири давлат хизматчисининг касбий ривожланиши ва ўсиши бўлганлиги учун, уларга айнан шундай шароитни яратиб бериши, номзод платформа томонидан берилган тавсиялардан келиб чиқиб, касбий компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқиши имкониятини беради.

Касбий компетенциявий ривожланиш режасида малака ошириш, қайта тайёрлов курсларида ўқиши, дублёрлик, ротация, стажировка, хорижий тилларни ўзлаштириш ва бошқа тадбирларни киритиб, касбий компетенциявий ривожланиш режаси номзод фаолият юритувчи давлат органида танланган лавозимнинг компетенциявий талабларини ўзлаштиришига мослиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқиласди. Давлат органининг раҳбари, раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари томонидан номзоднинг касбий компетенциявий ривожланиш режаси тасдиқлашни назарда тутади.

Номзод касбий компетенциявий ривожланиш режасининг ижросини Платформадаги шахсий кабинети орқали қуидаги маълумотларни киритиб боради:

- малака ошириш натижаси юзасидан сертификатини юклаш;
- қайта тайёрлов натижаси юзасидан сертификат (диплом) нусхасини юклаш;
- номзоднинг дублёрлик фаолиятини олиб борилган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма хulosасини юклаш;
- ротация натижаси бўйича давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма хulosасини юклаш;

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги №788-ЎРҚ-сонли Қонунининг 21-моддаси.

- стажировка натижаси юзасидан стажировка раҳбарининг ёзма хулосасини юклаш;
- давлат тилини билиш бўйича малака сертификатини юклаш;
- хорижий тилларни ўзлаштириш юзасидан сертификатни юклаш.

Платформа имкониятларидан нодавлат ташкилотларда фаолият юритувчи (шу жумладан, хусусий сектор) фуқаролар ҳамда Олий таълим муассасалари (ОТМ) талабалари келажакда давлат фуқаролик хизматига кириш мақсадида фойдаланишлари мумкинлиги илгари сурилади.

Нодавлат ташкилотларда фаолият юритувчи номзодлар ва ОТМ талабалари номзод сифатида билим ва психологик тестларини топшириши, ўзининг компетенция дарражасини аниқлаши, шахсий ривожланиш учун касбий компетенциявий ривожланиш режасини тузиши мумкин бўлиб, бундай ҳолларда номзоднинг касбий компетенциявий режаси давлат органи билан келишилмаслиги ва тасдиқланмаслиги алоҳида эътироф этилади.

Юқоридаги каби компетенциявий режаларни кузатиб бориш, уларни баҳолашга ҳам эътибор берилади. Хусусан, номзод томонидан танланган лавозимга эришиш учун касбий компетенциявий ривожланиш режасини бажарилишини кузатиш, ўрганиш, ҳисобга олиш ва баҳолашга қаратилган тадбирлар мажмуаси касбий компетенциявий ривожланиш режасининг мониторинги деб аталиши мақсаддага мувофиқдир.

Номзоднинг қомпетенциявий ривожланиш режасини бажарилишини мониторинг қилиш давлат органинг инсон ресурсларини ривожлаштириш бўлимлари томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилиши қўзда тутилган:

- *кузатиши яъни* номзод томонидан касбий компетенциявий ривожланиш режасини ижроси юзасидан маълумотларни платформага жойлаганлигини онлайн кузатиш;
- *ўрганиши* – номзод томонидан касбий компетенциявий ривожланиш режасини ижроси юзасидан жойлаган маълумотларни асослантирилган хужжатларга кўра режага мувофиқлигини ўрганиш;
- *ҳисобга олиши* яъни номзод томонидан касбий компетенциявий ривожланиш режасини ижроси юзасидан жойлаган маълумотларни бажарилганлигини ҳисобга олиш;
- *баҳолаши* дейилганида эса номзоднинг касбий компетенциявий ривожланиш режасида белгиланган вазифаларнинг умумий миқдорида бажарилиш фоизи ҳисобида баҳолаш тушунилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, давлат фуқаролик хизмати тизимида кадрлар захирасини шакллантиришда Миллий “Карьера модели” электрон платформасининг самарадорлигини оширишда нафақат юқорида кўрсатиб

ўтилган компетенциявий ривожланиш режаларини тузиш, балки истиқболда платформадан фойдаланувчилар учун, айниқса, талаба-ёшларнинг кундалик фаолиятига интеграция қилиш ва бошқа бир қатор ҳаракатлар мажмuinи амалиётга жорий қилиш орқали давлат фуқаролик хизматида ўзига ҳос стабил ўсиш нуқтасига эришилишига замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ф.ф.д, профессор Ҳ.Кудратуллаевнинг “Бобурнинг давлатчилик сиёсати” мақоласи, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 19-сони, 2014 йил.
2. Конфуций иқтибоси. - <https://cyberleninka.ru/article/n/konfutsiy-o-subektivnyh-usloviyah-effektivnogo-gosudarstvennogo-upravleniya>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўқитувчи ва муrrабийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқидан, 30.09.2020 й. - <https://kun.uz/49152969>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги №788-ЎРҚ-сонли Қонуни.

ИНТЕРНЕТ – РЕСУРСЛАР:

1. <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. <https://ziyouz.uz>
3. <https://cyberleninka.ru>